

Таъзия



21:04 / 13 январь 1185

Юртимизнинг пешқадам уламоларидан бири, фазилатли шайх Зоҳиджон домла Қодировнинг вафот этганлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Устоз Зоҳиджон домла фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг сафдоши, сабоқдош дўсти, узоқ йиллар дин хизматида бирга қоим бўлган қадрдонлари эдилар. Аллоҳ таоло бу устозимизнинг динимизнинг ривожига, Ватанимизнинг равнақи йўлида қилган хизматларини ҳусни қабул қилсин, барча солиҳ амалларини садақаи жория ўлароқ мақбул айласин, чеккан дардларини барча саҳву хатоларига каффорат қилиб, жаннати Фирдавсдан жой ато қилсин, Ўзининг шомил мағфиратига, бениҳоя раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида устозимизнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик билан қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз.

Аллоҳ таоло устоз Зоҳиджон домламизнинг барча сафдошлари, шогирдлари, оила аъзолари ва яқинларига сабри жамил ато этсин, сабрларига муносиб ажру мукофотлар берсин, илм-маърифат йўлида устозимизнинг муносиб давомчилари бўлиш бахтини муваффақ айласин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Барчамиз Аллоҳникимиз ва барчамиз У Зотга қайтамиз».

«Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти, Islom.uz портали

[Шайх Зоҳиджон домла Қодиров ҳақида маълумот.](#)